O‘zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Oqdaryo tumani
HOKIMI
Q A R O R I

РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
Акдарьинского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

2020 у.г. «02» октябр № 876 -Қ Oqdaryo t., - р.Акдарья

Туманнинг «Барака» массивидаги “Барака Агросаноат зонаси” ҳудудидан “KICHIK YORQIN” хусусий корхонасига енгил конструкцияли иссиқхона қуриш учун ер танлаш ва ажратиш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6,20,23,24,49-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Эркин иқтисодий зоналари ва кичик саноат зоналари фаолиятини самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 25 октябрдаги ПҚ-3356-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 16 январдаги 29-сон қарорига мувофиқ эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳудудидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисидаги ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимининг 2018 йил 25 апрелдаги 261-Қ-сонли Оқдарё туманида “Оқдарё Агросаноат зонаси”ни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 февралдаги “Тадбиркорлик субъектларига ажратилган ер участкаларида мева-сабзавот маҳсулотларини бевосита уларни етиштириш жойларида суғориш, тайёрлаш ва сақлаш бўйича енгил конструкцияли инфратузилма объектларни қуриш учун ер участкаси ажратиш тартиби тўғрисида” 167-сонли қарори асосида, Оқдарё туманининг 2019-2020 йилларда “Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури”, Самарқанд вилоят экология ва атроф-муҳитни мухофаза қилиш бошқармасининг 2020 йил 16 июндаги №392-сонли хулосаси, “KICHIK YORQIN” хусусий корхонасининг раҳбари А.Хужамқуловнинг туман ҳокимининг номига ёзган аризаси, туман ҳокимлиги қошидаги ер танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунининг 6,25-моддалари қўлланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги қошидаги ер танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Туманнинг «Барака» массивидаги “Барака Агросаноат зонаси” ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган 283-контуридаги қишлоқ хўжалигида суғориб ҳайдаладиган ер майдонидан “KICHIK YORQIN” хусусий корхонасига енгил конструкцияли иссиқхона қуриш учун 2,5 гектар ер майдони 49 йил муддатга ижарада фойдаланиш учун ажратилсин.
3. “KICHIK YORQIN” хусусий корхонаси раҳбари А.Хужамқулов зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилсин:
- енгил конструкцияли иссиқхона қуриш учун АРТ ва лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб вилоят Архитектура ва қурилиш бошқармаси билан келишиш;
- лойиҳани экспертизадан ўтказиш ва Давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекциясидан рухсатнома олиш;
- енгил конструкцияли иссиқхона қуриш белгиланган Шаҳарсозлик талаблари асосида келишилган АРТ ва лойиҳа смета ҳужжатлари асосида қуриш вазифалари юклатилсин.
4. «Ер кодекси»нинг 36-моддаси 10-бандидаги қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ер участкасидан бир йил мобайнида фойдаланилмаганида ва енгил конструкцияли иссиқхона қурилиш ишларини амалга ошириш ҳамда якунлаб, лойиҳаларни ишга тушириш тармоқ жадвалига асосан белгилансин ва тармоқ жадвалига асосан белгиланган муддатда енгил конструкцияли иссиқхона қуриш ишлари якунланмаса мазкур қарор ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
5. Ер участкаси чегараларини натурага кўчириш ишларини «Ўз ГАШКЛИТИ» ДУКнинг вилоятдаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи ва туман Ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими бошлиқлар зиммасига юклатилсин.
6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари (Б.Аралов) ҳамда (Б.Жураев)лар зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими: Н.Сулаймонов